

МУНОСАБАТ

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА



Борис АЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Оролбўйи минтақасини
ривожлантириш масалалари
қўмитаси раиси

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, дунёнинг 60 га яқин давлати мазкур резолюцияда ҳаммуаллиф сифатида иштирок этди. Бу ўзбек дипломатияси ютуғининг навбатдаги халқаро эътирофи бўлди...

2020 йил 23 сентябрь. Шу куни дунё ҳамжамияти нигоҳи БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясига қаратилган эди. Чунки бу нуфузли анжуман коронавирус пандемияси билан боғлиқ глобал фалокат фонида, ғоятда таҳликали, мураккаб вазиятда дунё давлатлари ва халқлари ўзаро чамбарчас эканини эътироф этган ҳолда, инсоният тараққиётининг эртанги кунини белгилаб бериши керак эди. Сессия кун тартибидан дунёда тинчлик, барқарорлиқни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш, камбағаллик, қашшоқликни тугатиш, давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янгича ёндашуви ишлаб чиқиш каби қатор муҳим масалалар ўрин олгани кўпчилиكنинг ёдида.

Давлатимиз раҳбари ушбу анжуманда экологик муаммолар, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари, Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган глобал экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга алоҳида тўхтади.

Давоми 2-бетда

МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ



ЭЛГА БОШ БЎЛИШ — ҲАМ ШАРАФЛИ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ

Аҳоли орасида маънавий барқарорликни сақлаш, тадбиркорларга қўмаклашиш, ҳудуд ободлиги, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, кексалар, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабардор бўлиш, қўйингки, барча масалаларда маҳалла раисининг маҳорати ва салоҳияти катта ўрин тутади. Раис салоҳиятли бўлса, ўша маҳалла боғу бўстонга айланади. Аҳоли турмушига файзу барака киради. Тадбиркор ва ташаббускор одамлар сафи кенгайди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил бошида пойтахтимизнинг Юнусobod туманидаги маҳаллалар фаоллари билан учрашувда "Маҳалла раиси — Президентнинг куйи бўгиндаги устун. Бугун

юртимиз маҳаллаларида маҳалланинг иқтисодий ўзгаришларини таъминлаш, жамиятимизни ўзгартириш учун ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастуридан сама-

рали фойдаланиш керак", дея таъкидлаган эди. Бу ишларнинг амалга ошишида эса маҳалла раисининг ўзига яраша ўрни бор.

Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛанаДИ

ЎҚИТУВЧИГА ЭҲТИРОМ ҚАЙТАДИ

Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси, Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши депутати

Президентимизнинг мактаб битирувчиларига мурожаатини биз, педагоглар таълим соҳаси учун йўланган табрик, юксак эътибор ва ишонч деб қабул қилдик.

Кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятимда бундай ноёб воқеалик кузатилмаган ва мутлақо қутилмаган эди. Таъбир жоиз бўлса, бу кутлов тарихимизда очилган янги саҳифа, ёш авлодга янгича нигоҳ ва янгича ёндашув намунаси бўлиб муҳрланди.

Бугун юртимизда таълим соҳасига устувор аҳамият қаратилаётганини кенг жамоатчилик эътироф этапти. Кўп йиллик иш тажрибасига эга педагог

сифатида айтишим керак: биз, ўқитувчиларга яратилаётган шароит ва имконият ҳамманинг ҳавасини келтиряпти. Ойлик маошларнинг босқичма-босқич оширилаётгани, муаллимларнинг турли ҳашар, мажбурий меҳнат, касбига дахли йўқ мажлислардан озод этилгани, қоғозбозликнинг кескин қисқартирилгани, албатта, таъкидлашимиз шарт.

Давоми 3-бетда



МАВСУМ ТАРАДДУДИ

ҒАЛЛА ЭРКИН НАРҲДА ХАРИД ҚИЛИНАДИ

жорий йилда 7 миллион тоннадан ортиқ дон етиштириш кутилаётган бўлса, 5 миллион тонна атрофидаги дон хўжаликларнинг ихтиёрида қолади

Бугунги кунда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илгор ютуқларини жорий этиш, экологик тоза ва экспорт-

боп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида тизимли ислохотлар олиб борилмоқда.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди



Қарорга мувофиқ, барча соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш рейтинги жорий этилиб, ҳар чоракда натижалар Президент Администрацияси ва Ҳукуматга киритиб борилади.

2021 йил 1 октябрга қадар жойларда, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда аҳолини манзилли профилактика ва скрининг қилиш ишларини ташкил этиш учун зарур ускуналар билан жиҳозланган махсус автобусларнинг камида 3 та тажриба намунаси яратилади.

Қарорга кўра, 2021 йил 15 июндан бирламчи тиббий-санитария муассасаларида дори ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдори ўртача 3 бараварга оширилади.

2021 йил 1 июндан иш стажи 5 йил бўлмаган олий маълумотли тиббиёт ходимларини нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ талаблар давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади.



Шунингдек, 2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари филиаллари (91 та) ташкил этилади.

Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда тўғри овқатланишни йўлга қўйиш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан янгиланган овқатланиш рационни ҳамда ушбу йўналиш билан шуғулланувчи тадбиркорларга талаблар амалиётга киритилади.

Бунинг учун 2021 йил инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобидан 165 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилади.



МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ

ЭЛГА БОШ БЎЛИШ — ҲАМ ШАРАФЛИ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ



Бошланиши 1-бетда

“Геолог”нинг ишбилармон раиси

Саҳардан сафарга отландик. Мақсадимиз — пойтахтдан 100 километр узоқликда жойлашган, Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари билан ўралган Ангрэн шаҳри маҳаллаларидаги ўзгаришлар билан танишиш, одамлар ҳаётини ўрганиш.

Маҳалла ташкил топганидан то 2020 йилгача иккита биналарда фаолият кўрсатиб келган. Утган йили эса ҳомийлар ва аҳоли кўмаги билан МФЙ кўркам биного эга бўлди.

раисларини қўллаб-қувватлаши, аҳолини йўлаб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб рағбатлантириши катта мадад бўляпти.

Ер зар — инсон заргар

Маҳалла тоғ олди ҳудуд. Аҳоли кичкина ердан ҳам унумли фойдаланиб, даромад қўради. Навбатдаги манзилга йўл олар эканмиз, ёшлар бандлиги масаласида гуруннга берилдик чоғи, маҳалла раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Холлада Душаева Шоқир Ҳайдаров деган йигитнинг тадбиркорлиги ҳақида гап очиб қолди.

пүлимиз ўзини оқляпти. Қорамол, қуён ва парранда ҳам сотиб олди. Йигитнинг уддабуронлиги бизга маъқул келди. Завқимиз ошиб, томорқа ораладик. Шоқир икки ёнидаги қўшинининг ерини ҳам олиб, ўзлаштирибди. Дала-ҳовли бўлгани учун хонадон соҳиблари бу ерда яшамас экан. Унг томондаги қўшининг ерига помидор, чап томондагисига картошка экибди. Шоқир тадбиркорлик қилаётганига, қўшинлар ери обод бўлганига хурсанд.

Тикувчиликни ҳар бир аёл уддалайди

Утган йили маҳалла ҳудудидаги ташландиқ бино таъмирланиб, “Garant Park” МЧЖ ўз фаолиятини бошлади. Эрак ва ўғил болалар майкаси тикишга мослашган тикувчилик цехида маҳалланинг 20 нафар хотин-қизлари иш билан банд бўлди.

Тикувчиликни ҳар бир аёл уддалайди. Чунки нина-ип, қайчи ва мато билан ишлаш олиш бекалик шартларидан бири. Анча йиллардан бунён ишсиз юрган, бироқ ишлаш истагиди бўлган Дилором Мирқасимованинг орзуси маҳаллада тикувчилик цехи очилган, рўёбга чиқди.



“Субсидия берилди, фойдаландик, оёққа турдик”

“Темир дафтар”га киритилган Ўрол Очилов вақтинча ишсиз эди. 1 сотих жойга 7,5 миллион сўм субсидия ажратилган, мана шу ёрдам туфайли оила ўзини анча тиклаб олди.

Субсидия берилган, ўзимизни ўнглаб олдик — оёққа турдик, — дейди у. — Ҳозир ҳаётимиздан нолиш йўқ. Тўрт ўғлимнинг барчаси иш билан банд. Ишдан келиб, иссиқхона ва томорқа ишларига бизга қарашади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

ЎҚИТУВЧИГА ЭҲТИРОМ ҚАЙТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳаммасларимиз навбат билан дам олиш масканларида саломатлигини тиклаб келмоқда. Май ойигача бўлган вақт оралиғида мактаб директорлари дам олиб келган бўлса, энди фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари санаторийларга жунаш арафасида. Виллоятимизда янги очилган сийҳатгоҳда дам олиб қайтган, қирқ йиллик иш тажрибасига эга тарих фани ўқитувчиси: “Маза қилиб дам олдим, шароитга гап йўқ, бўлар экан-ку... Мана эътибор, мана эъзоз”, деди фахру ва гурур билан оғиз тўлдириб. Рўзгор, турмуш ташвишларидан ортмай, ёзи таътилда ҳам уй юмушларига шўнғиб кетган, ўзи учун вақт ажратишга имкон топмаган устозлар меҳнати бугун кадр топди, эъзозланган.

ҳаммамиз унгра ҳавас билан боқамиз. Ўқитувчига эъзоз, эҳтиром, меҳр-муҳаббат қайтди. Муддатидан олдин талабалик бахтига мушарраф бўлган ўқувчиларни айтмайсизми? Уларга қараб бизнинг ҳам ҳавасимиз келмоқда. “Қани эди, ёшлигимиз ортага қайтса-ю, шундай имкониятлардан биз ҳам фойдалансак”, деймиз. Битирувчиларимизнинг 7 нафари шундай имкониятни қўлга киритди. Жумладан, уч нафари Хитой, бир нафари Польша, қолганлари Тошкентдаги нуфузли университетларга имтиёзли қабул қилинди. Бундай ёшларга ҳавасинг келмай бўладими ахир?!

ирмоқларга қийсаш мумкин. Ҳа, кадр топан устоз ҳеч қачон чарчамайди, бундай эътибордан яна ҳам илҳомланиб ишлайди. Нафақадаги устозимнинг “Ўзларимга суртдим табрикни, юрак устидаги чўнтагимда олиб юраман уни”, деган эътирофи ҳам бу чорловнинг нақадар муҳимлигини исботлайди.



оналик қувончимни янада оширди. Мурожатда ёшларимизнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши учун давлатимиз барча куч ва имкониятни сафарбар этиши таъкидланган. Бу ишонч ва эътибор боси, мактабни битираётган ёшлар юзиди шуқули табассум, юраклариди олий мақсад сари собитқадамлик, дилларида ўктам шижоат барқ уриб турибди.

рида жаранглаган кўнгирак овози ҳам янги Ўзбекистон — янги Ренессанс даври ёшлари учун ўзига хос чорлов бўлди. У оддий товуш эмас, янги ҳаёт оstonасига қадам қўяётган, мушқил ҳаётда ютуқ ва ғалабалар кутаётган келажак бунёдкорлари учун чалинган, табрик хабарини жарчи бўлиб элтаётган бонг.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

КЎЗ ЎНГИМИЗДА



ФАРҒОНА МЕВАЛАРИ

Жаҳоннинг 52 мамлакатига экспорт қилинган

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбириМазали, сифатли ва
экологик тоза

Фарғоналик боғбонлар сабз-харақати билан шу кунга қадар 8 минг 720 тоннадан зиёд сархил мева-салат экспорт қилинди. Унинг 1 540 тоннаси қирғизилос.

Азал-азалдан миришкор деҳқон сифатида танилган фарғоналиклар ҳар қачон ердан омилиқлик билан фойдаланиш ҳадисини олган. Қуванинг қирғизилоси, Риштон қандақ ўғриги, Олтиариқ узуми, Бувайда анжир, Қувасой гилослари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур. Бу сархил мева-салатлари таъми, кўриниши, энг муҳими, экологик тозалари билан кўпнинг эътиборини тортмоқда.

Кейинги йилларда янги боғ-роғларни қўпайтириш, шириндан шакар мева-салатлари ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш, экспорт миқдорини қўпайтиришга алоҳида эътибор берилляпти. Қўпайтирилган фарғоналиклар ҳам экологик тоза, табиий дармонларга бой мева-салатларнинг атиги 5-6 фоизи экспортга йўналтирилган эди. Айна пишиқчилик палласида узоқ сақлаш имконияти йўқлиги тўғрисида фермер ва деҳқон хўжалиқлари, аҳоли томоғларидега етиштирилган боғдорчилик маҳсулотларининг катта қисми сув текинга сотиларди. Бу гаплар бугун ўтмишга айланган.

Сўнгги пайтда Фарғона вилоятда умумий сифими 178 минг тоннадан ортиқ 266 та замонавий музлаткич ишга туширилди. Бу маҳсулотларни талаб ва тақлиф асосида истеъмолчиларга узуқсиз етказиб бериш имконини бермоқда.

Утган йили Фарғона боғларида пишиб етилган, умумий қиймати 206 миллион 390 минг доллар бўлган 216 минг тонна мева-салат экспорт қилинди. Яъни 2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиш суръати 256 фоиздан ошиб кетди.

Экспорт ҳажмининг ошириш бориши билан бирга, худудлар, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Айна кунда Фарғона мева-салатлари дунёнинг 52 та мамлакатига экспорт қилиняпти.

Жаҳон бозоридаги талаб ва тақлифларни ўрганиб, илмий ва инновацион ғоялардан кенг фойдаланаётган тадбиркор боғбонлар эндиликда хомашё эмас, маҳсулотни қайта ишлашга эътибор берайпти. Натигада чекка худудларда ҳам ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланимоқда, янги иш ўринлари яратилляпти.

Фарғона шаҳри Қирғули мавзесига феолият кўрсатаётган "Рела транс логистика" унитар корхонаси иш бошлаганига кўп булгани йўқ. Асосан, мева-салат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб, қуриштириб, қадоклайдиган корхона йилига 300 минг тонна сара маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. АҚШ, Туркия, Бельгия давлатларидан келтирилган ускуналар мева ва сабзавотларни беш йўналишида қуриштириб, керакли ўлчамларда кесиб, қадоқлаб беради.

Маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади, — дейди корхона раҳбари Зоҳиджон Исромонов. — Хусусан, гилос саралаш ва қадоқлаш цехига ўрнатилган ускуналар ҳар соатда беш тонна маҳсулотни саралаш, маҳсул қутиларга жойлай олади. Цех қосида 3 минг тонна сигимга эга музлаткич ишга туширилди. Бу маҳсулотларимизни талаб ва тақлиф асосида йил давомида харидорларга етказиб бериш имкониятини беради.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ўтган йили корхона ишлаб чиқариш тармоғида сараланиб, қадоқланган гилослар Дубай бозорларида ҳам сотилди.

Новкент — гилосчилар
қишлоғи

Фарғона туманидаги кўна Новкент қишлоғи аҳоли гилос етиштиришнинг миришқорлари ҳисобланади. Улар ўз томоғларида сархил гилос етиштиришда бой тажрибага эга. "Валовье сердце" сингари эртаги, серхосил навлар айнан шу худудда етиштирилади. Сара маҳсулотлар ички бозордан ташқари, Россия, Қозғистонга экспорт қилинаётгани боис, гилосчилар қишлоғининг дони етти иккимга машҳур.

— Қишлоғимиздаги 537 хонадонда гилос етиштирилади. Ҳар йили

50 тоннадан ортиқ гилос экспорт қиламиз, — дейди "Новкент" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамарўзи Мадмаров. — Бу йилги ҳосил қўғи ҳам чакки эмас. Яхши парвариш қилинган бир тул гилос 100 килограммгача ҳосил беради. Бу қарийб 4 миллион сум даромад дегани. Оилалардаги фаровонлик, худудлар ободлиги ана шу меҳнат ва изланишлар маҳсули.

Худудлар маҳсулот
етиштиришга
ихтисослашмоқда

Ҳар бир худуднинг ер ва иқлим шароити, деҳқончилик маданиятини ҳисобга олиб, амалга ошириладиган ишхотлар интенсификация қўпайтириш, маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашда кўп келмоқда.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрда қабул қилинган "Фарғона вилояти худудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Унда боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизилик, картошкачилик сингари озиқ-овқат маҳсулотлари

етиштиришга ихтисослашган субъектлар манфаатдорлигини ошириш каби устувор вазифалар белгиланган.

Жойларда узум, анор, малина, лимон ва бошқа мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос тажриба бор. Хусусан, Фарғона туманида малина етиштириш, қайта ишлаш, қўпайтириш, Учқўприк туманида лимончилик тармоқларини ривожлантириш, Олтиариқда узумчиликдан ташқари, картошка етиштириш, Қувасойда интенсификация усулида гилос боғлар, Қувасойда анор ва узумчилик, Фарғона шаҳрида сабзавотчилик тармоқларини кенгайтириш йўлида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланяпти.

— Биргина Қувасой шахрида 2 минг гектар майдонда интенсификация усулида гилос боғлари ташкил этилди, — дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўлими бошлиғи Сайдулло Турсуналиев. — Бу бир мавсумда 200 минг тонна сархил гилос етиштириш имкониятини беради. Худудларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш борасида олиб бориладиган ишлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш орқали иқтисодий самарадорликни оширишга

хизмат қилмоқда. Шу кунга қадар Қува туманида 2000 гектар анорзор, Олтиариқ туманида 3 минг гектар узумзор ташкил этилди. 2 947 гектар ерда янги интенсификация боғ, 1 755 гектар узум плантациялари феолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, сабзавот, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар етиштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Утган йилнинг ўзига фойдаланишдан чиқиб кетган 11 минг гектардан ортиқ экин майдонлари қайта ўзлаштиришга киритилди.

Мева-сабзавотчилик
кластерлари

Қувасой шахри, Олтиариқ, Бешариқ, Фарғона, Қува ва Учқўприк туманларида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 20 дан ортиқ кластер феолияти йўлга қўйилган. Улар маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва экспортга йўналтириш билан боғлиқ ишларни амалга оширяпти.

Данғара туманидаги "Назирова Маъруф Назирович" хусусий корхонаси ҳузурида доривор ўсимликлар етиштириш, Бешариқда "Қўқон фазизи" фермер хўжалиги ҳузурида қизилмия илдизини экиш ва қайта ишлаш бўйича янги кластер хўжалиқлари ташкил этилди.

Қува туманида 5 та мева-сабзавотчилик кластери феолият кўрсатмоқда. Улар самарасиз боғ ва тоқорлар ўрнида интенсификация боғлар барпо этиш орқали маҳсулот етиштириш ҳисобига ўтган йилда 60 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилди.

"Моҳларой" фермер хўжалиги бу борада истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хўжаликда узумчилик ва қўпайтириш ихтисослашган кластер корхонаси ташкил этилиб, 112 гектар фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдони ўзлаштирилди, 100 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, "Ешлар дафари"га киритилган 20 нафар ёшга 1 гектардан узум плантациялари ажратиб берилди. Ҳозирда 105 гектар янги тоқорлар барпо этилди. Тоқ

ораларида сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар парваришланмоқда.

— Акбаробод адирларида боғ яратиш сермашақат юмуш, — дейди "Ҳотамбой-Иброҳимбой" фермер хўжалиги раҳбари Исмоилжон Умрзоқов. — Утган йили адир ерлари ўзлаштириб, 20 гектар майдонда анор, 6 гектар майдонда гилос етиштириш, 50 тоннадан ортиқ маҳсулотни экспорт қилдик. Бу йилги режаларимиз янада улкан. Бундан ташқари, пиёз, қулпнай, помидор етиштиряймиз. Албатта, ҳарол меҳнат тўғрисида кўп нарсага эришса бўлади, мана шу боғ-роғлар бунинг ёрқин мисоли.

Кўчатчилик истиқболлари

Вилоятда кўчат етиштиришнинг интенсификация усуллари фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўчатчилик йўналишида иш олиб бораётган фермер хўжалиқлари томонидан ярим пакана мева-салат кўчатлари етиштириш йўлга қўйилгани четдан қўчат олиб келиш ҳажмини 80 фоизгача қисқартирди.

— Гилос, хурмо, анор, шафтоли, олма кўчатларининг ярим пакана навларини маҳаллий шароитда етиштиришда истиқболли усуллардан самарали фойдаланишга эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси боғдорчилик ва иссиқхоналарни ривожлантириш бўлими бошлиғи Авазбек Зуннунов. — Бу данакли, қаламчали ва кўчат усулидир. Хусусан, қувалик боғбонлар данакли боғ ташкил этиш иқтисодий ҳамда агротехника томонидан жуда қулай ва ишончли усул эканини амалда исботлади. Бир гектар ерда данакли боғ яратиш учун бир ярим, икки миллион сум пул керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда мева ва сабзавот етиштириш йўлида амалга ошириладиган ишхотлар қўламини кенг. Бу аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт ҳажмини ошириш, меҳнатга яраша даромад олишга ҳам хизмат қилмоқда.

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

ҒАЛЛА ЭРКИН НАРХДА ХАРИД ҚИЛИНАДИ

жорий йилда 7 миллион тоннадан ортиқ дон етиштириш кутилаётган бўлса, 5 миллион тонна атрофидаги дон хўжаликларнинг ихтиёрида қолади



Зоҳид ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ғаллачилик бошқармаси бошлиғи

Бошланиш 1-бетда

Агробизнеснинг яхлит
занжири

Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришни рағбатлантириш тизими жорий этилгани ижобий самарасини берди. Утган йили Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ҳосилдорлик гектарига 65-67 центнерга етгани ана шундай янгиқа ёндашувнинг маҳсули бўлди. Утган мавсумда ғаллакорлар 7 миллион 130 минг тонна ҳосил етиштирган бўлса, унинг 3 миллион тоннаси деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолдирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 майдаги "2021 йил ҳосили учун экин-гилос бошоқли дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли ўриб-йиғиб олишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига қўра, ички бозорда дон ва нон нархлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида жорий йил ҳосилидан давлат ресурсларига товар ва уруғлик дон харид қилиш ҳажми тасдиқланди. Хусусан, давлат ресурслари учун жами 2 434 425 тонна товар ва уруғлик дон (шундан — 2 150 000 тонна товар дон, 284 425 тонна уруғлик дон) харид қилиш назарда тутилган.

Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий

этишни мувофиқлаштирувчи республика кенгашига жаҳон бозори конъюнктураси ва минтақавий биржаларда кутилаётган дон нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, дон ва ун маҳсулотлари нархи кескин ошиб кетишининг олдини олиш чораларини қўриш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тегишли идоралар 2022 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари уруғлигининг ўз вақтида ва сифатли жамғарилшини таъминлаш, шунингдек, уруғлик ғалланни ўриш учун алоҳида ўрим-йиғим отрядларини шакллантириши ҳамда уруғлик доннинг алоҳида сақланишини ташкил этиши зарур.

Республикада жорий йил кузги бо-

шоқли дон экинларидан 7 миллион тоннадан ортиқ дон етиштириш кутилаётган бўлса, 5 миллион тонна атрофидаги дон ҳосили ғалла етиштирувчи хўжаликларнинг ўзига қолдирилади. Бу эса уларга дони ўзи хоҳлаган вақтда эркин нархларда сотиш имкониятини беради.

Ғаллачиликда ҳам ерни ҳақиқий эгасига бериш, айнақисса, маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни сотишгача бўлган кластер тизимини яратишга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Жорий йилда 157 та ғаллачилик кластери 1 миллион 38 минг доннинг алоҳида қамраб олган ҳолда феолият юртияпти.

Соҳа қандай молиявий
қўллаб-қувватланади?

Ғаллачиликни молиялаштириш бўйича ҳам янги тизим жорий этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги қарорига илова қилинган "Бўғдой етиштириш харажатларини кредитлаш тартиби тўғрисидаги низоми"га мувофиқ, кредит миқдорини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан хар иили эълон қилинадиган минимал нарх асосида ҳамда тупроқнинг балл бонитети нисбатан норматив ҳосилдорлигини (центнер/гектар) ҳисобга олган ҳолда белгилаш тартиби жорий этилди. Шартнома кучга киргандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қарз олувчига кредит ҳисобварағи очилади.

Тижорат банки қарз олувчи билан бўғдой хомашёси етиштириш харажатларини кредитлаш шартномасига асосан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредитлари ҳисобидан бўғдой етиштириш харажатларини кредитлаш учун 12 ой мuddат билан уруғлик қиймати ҳисобга олган ҳолда, ғалла ялпи ҳосили умумий қийматининг 40 фоизгача йиллик 10 фоизда, 50 фоизгача йиллик 12 фоизда (шундан банк маржаси 2 фоиз) қайтариш мuddатини ўзайтириш ҳуқуқисиз кредит ажратлади.

Қарз олувчи кредитни шартномада белгиланган мuddатда сўндирилмас, кредитнинг сўндирилган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади, мақсадсиз ишлатилган қисмига қўлланиладиган жарима миқдори шартномада белгиланади. Мuddатидан олдин сўндирилган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари тижорат банки томонидан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан жамғармага қайтариллади.

Ғалланнинг Республика товар-хомашё биржасидаги харид нархи бўйича таҳлиллар олиб борилди ва жорий йилнинг биринчи чораги давомидан 3-снф 1 тонна юшкоқ бўғдойнинг минимал харид нархи 2 миллион 878 минг сўмни ташкил этмоқда.

Мавсумий тадбирлар
масъулияти

Ҳозирги кунда 1 миллион 38 минг гектар суғориладиган ерда бошоқли дон экинлари бошоқлаш ва гуллаш фазасида ривожланимоқда. Етиштирилган ҳосилдан 260,2 минг тонна уруғлик дон тайёрлаш учун 3 172 та уруғчилик хўжалигининг 90,6 минг гектар суғориладиган майдони ажратилган. Бунда ҳар бир худуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган, серхосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли бўлган "Краснодар-99", "Васса", "Асп", "Давр", "Бунёдкор", "Ғозгон" ва "Яксарт" каби навларидан асосий уруғлик дон тайёрланади.

Жорий йилнинг ўтган даврида ғаллани азотли минерал ўғитлар билан учинчи озиқлантириш ишлари тўлиқ яқунланди, мавсум бошидан ғаллани азотли ўғитлар билан озиқлантириш гектарига уртача (физик ҳолда) 750 килограммини ташкил этиди. Бу йилги об-ҳаво ғаллазорларда бегона ўтлар ҳамда занг касаллиги кўпайишига шароит яратяпти. Касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида 5 минг 284 та ОВХ ва пуркатгичдан самарали фойдаланилди.

Соҳа олимларининг тавсияларига асосан, бегона ўтлар, касаллик ва зараркундаларга қарши кимёвий препаратлар, биостимуляторлар билан биргаликда "тўртлик аралашма" ёрдамида ишлов берилди. Шунингдек, ҳар бир гектар ғалла майдонига уртача 5 тоннадан жами 5,2 миллион тонна маҳаллий ўғит жамғарилиб, шарбат усулида суғориш ишлари олиб бориляпти.

Ғалла ўрим-йиғимда иштирок этадиган 3 417 та комбайнинг мавсумга тайёргарлиги махсус ишчи гуруҳлар томонидан ўрганилиб, сертификат асосида қабул қилиб олинмоқда. Уримни қисқа мuddатларда тугатиш учун 2 972 та отряд шакллантирилди.

ДИЛ ТУБИДАГИ СЎЗ

“МУАЛЛИМ ДЕСАЛАР
МЕНИ, ҚАНИЙДИ!..”

Ориф ТҶУХТАШ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир,
“Ўзбекистон МЭТ” АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси,
Шайхонтоҳур туманидаги 85-мактабнинг
ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси

Энди мен ҳам “Устоз”ман!

Ишонинг, мен бу сўзларни катта ифтихор билан айтаётиман! Чунки ўзим ҳам ўқитувчилар оиласида вояга етганман ва УСТОЗ деган сўзнинг қадрини жуда яхши ҳис қиламан. Атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг шу йўсиндаги гўзал мисралари бор:
*Шоирга дедилар: “Сиз бахтли инсон,
Эл-юрт ардоқлайди, ҳамма танийди!”
Шоир жавоб қилди: “Менда бир армон —
Муаллим десалар мени, қанийди!..”*

мамлатимиз мактабларининг битирувчиларига йўнатиш таъбирига Умид ва Давлат сўзлари деб аташ мумкин. Давлатимиз раҳбари ўз таъбири орқали мамлатимиз ёшларига “Ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, оқолат ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон, янги Ренессанс бунёдкорисизлар”, деб мурожаат қилиши ҳар қандай қалбни тўлқинлантириб қолмади. Бундай мазмундаги таъбир Ўзбекистон тарихида биринчи марта кузатиш мумкин. Дарҳақиқат, “Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан бошланади!” Биз ёш авлод қалбини “миллий



турадиган манзара бўшаб қолгандай эди. Бўёғи таътилга ўлиб кетган кетадиган кунлар. Бугунги дарсимиз бекор бўлди чоғи, деб турганимда икки синфдош — 4^А-синф ўқувчилари Муслима ва Саидмухаммад шоши келиб қолди. “Бугун бизнинг дарсимиз йўқ, ammo сиз билан учрашамиз деб атай уйдан келяпмиз”, дейиши бир овоздан. Бу сўзлардан тўлқинланиб кетдим.

Бизнинг “дарсонамиз”га айланиб улгурган кутубхонага кирдик. Утган гал ҳамма ўзига маъқул бўлган чиройли шеърлардан ёд олиш вазифаси топширилган эди. Икки синф ҳам вазифани аъло даражада адо этди. Муслима ўзи ёд олган кўшиқлардан икки хам қилиб берди. Улар билан суҳбатлашарканман, оила аъзоларимиз ҳам гап кетди. Мен ўзимнинг улар тенги фарзандларим борлиги ва қайси мактабда ўқиганини айтиб бердим. Қутулмаганда ҳар иккисининг овозида ҳаяжон ва кўзлари тубида ёшни илғаб қолдим...

Икки ўқувчим менга “дарс” берди

— Биз оилада икки фарзандимиз, опа ва мен, — деб гап бошлади ёш бўлса-да, улғайиб қолган Саидмухаммад. — Ойим мактабда ўқитувчи. Дадам утган йили коронавирус дардига чалиниб, ўтиб қолди. Айтишларига қараганда, дадам бу дардга чалинганча, махсус шифохонага олиб борилган. Муолажа-

тикланишдан — миллий юксалиш сари“ отлантирмоғимиз жоиз. Орзуларимиз тонгдай ёришиб келаётган Янги Ўзбекистон қудрати шакл-шубҳасиз янги куч эгалари — ёшларимизнинг тафаккури ва албатта, муносиб тарбияси билан таркиб топажак. Қолаверса, Учинчи Ренессанс — навбатдаги уйғониш даври фақат ва фақат юксак сало-



Мана шундай битикларни ўқиб, кўнгил-лимин ҳавасланиб турган бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан чиройли ташаббус ўртага ташланди ва юртимиздаги барча мактабларга ижод аҳли — шоирлар, ёзувчилар, моҳир журналистлар ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи сифатида бириктирилди. Бугун мен ҳам мана шу улғун сафдам!

Мактаб — ТАРБИЯ маскани ҳамдир

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 85-мактаб — бугун менинг иккинчи иш жойим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан ушбу мактабга тарғиботчи сифатида кириб борар эканман, дастлаб кўнгилмини апланечук туйғулар қамраб олди. Югуриб юрган болажонлар қиёфасида жажжи Орифбекни тасаввур этган бўлсам не ажаб?!
Меҳрибон ўқитувчилар кўмағида ўқувчи ёшларни жамлаб, улар билан суҳбат ўтказдим, қизиқишларига қўлоқ тутдим. Мени хурсанд қилган нарса шу бўлдики, бу ёшлар орасида ўз келажига лоқайд бўлганларни учратмадим. Биринчи навбатдан сўз бошласа, бошқаси ўз ижодий машқарини ўқиб беришга ошмади. Яна бири хонанда бўлиши кўнгилга туккан бўлса, бошқаси мўйқалам соҳиб бўлиш иштиёқида. Ҳатто ўзининг шеърларини жамлаб, китоб ҳолида чоп этиш истағида бўлганлари ҳам йўқ эмас экан.

Мактаб директори Мавжуда опа Ибрагимовани қачон қараманг, қуюнчақлик билан бир масаланинги муҳокамасида учратасиз. Ёки бўлмаса ўринбосар ва ўқитувчиларни жамлаган ҳолда, таълим-тарбияга оид олдиндаги муҳим вазифалар ҳақида баҳс-мунозаралар бўлади. Дарҳақиқат, мактаб нафақат таълим даргоҳи, балки тарбия маскани ҳамдир. Шу мақсадда ота-оналар тез-тез жалб этилиб, асосий эътиборда бўлиши лозим бўлган жиҳатлар муҳокама қилиб борилар экан. Менинг дастлабки иш кунларимдан бири ота-оналар мажлисига тўғри келди. Ушбу йилнинг мен ҳам иштирок этиб, жонқуяр мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига қўлоқ тутдим... ва ўзимнинг ўқувчилик йилларим бир-бир кўз ўнгимдан ўтди.

Мактаб директори Мавжуда опа Ибрагимовани қачон қараманг, қуюнчақлик билан бир масаланинги муҳокамасида учратасиз. Ёки бўлмаса ўринбосар ва ўқитувчиларни жамлаган ҳолда, таълим-тарбияга оид олдиндаги муҳим вазифалар ҳақида баҳс-мунозаралар бўлади. Дарҳақиқат, мактаб нафақат таълим даргоҳи, балки тарбия маскани ҳамдир. Шу мақсадда ота-оналар тез-тез жалб этилиб, асосий эътиборда бўлиши лозим бўлган жиҳатлар муҳокама қилиб борилар экан. Менинг дастлабки иш кунларимдан бири ота-оналар мажлисига тўғри келди. Ушбу йилнинг мен ҳам иштирок этиб, жонқуяр мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига қўлоқ тутдим... ва ўзимнинг ўқувчилик йилларим бир-бир кўз ўнгимдан ўтди.

Тарғиботчи ким аслида?
Ижодкор ахли ҳам — мураббий. Адабиёт деган сўзга ўз номидан келиб чиқиб таъриф келтирадиган бўлса, адаб улашиш, одоб-ахлоққа чорласан деган маъно англатилади. Демак, биз, ижодкорлар ҳам барча муаллим-устозлар сафига маслақдош тарзида кириб бораёламиз. Юртимизни янада юксалтириш йўлидаги мақсадларимиз сари қўйилмажак дадил қадамлар, аввало, бугунги ёшларимиз таълими ва тарбияси-га чамбарчас боғлиқ. Президентимизнинг



ҳиятни, тенгсиз тафаккур соҳиблари бўлган аждодларимизга муносиб идош бўлишни тақозо этади.

Кўнғироқсиз дарс

Мен ўтайдиган “дарс”га кўнғироқ чалинмади. Мактабнинг эълоллар бурчага ёзилган “Тарғиботчи иш тартиби”га биноан, кўнғирчан ёшлар белгиланган фурсатда кутубхонага навбатма-навбат кириб келади. Бу “дарс”га боғлиқ махсус қўлланманинги ўзи йўқ ва ёш ҳам белгиланмаган. Ҳатто кизиқиш билдирган устозлар ҳам бемалол иштирок этиши мумкин.

Ўқувчи ёшлар билан ҳар галги учрашувимиз мавзуси бирорта китоб ёки асарга боғлиқ бўлади. Мисол учун, Абдулла Орипов шеърлати, Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Догистоним” асари, Эркин Воҳидов лирикаси, Уткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асари ёки бўлмаса “Тўғрўғли” достонининг муҳиятини имкон қадар таҳлил этамиз. Ҳар бир сабогимиз якунида эса бирор-бир муносиб китоб мутлоаси вазифа қилиб белгиланади. Бу ўринда, албатта, ёшларнинг кизиқиш ва тақлифлари инобатга олинади.

Охири “дарсимиз” бошқача бўлди

Мактаб ҳовлисига кириб келарканман, ҳаммиша ўқувчи ёшлар билан тўлиб

лар бошланиб, кислород аппаратида улаб қўйилган пайтда кутубхонага чироқ ўчган эмиш... (Қолган гапларни эшитолмадим, тўғрўғи).

Бир муддат ўтиб, “Мен ҳам дадасиз қолганман, — деди Муслима. — Дадам бизни ташлаб кетган. Уйда бувим ва ойим билан бирга яшайман. Дадам биздан хабар олгани келмайди, танимайман ҳам. Ойижонимнинг айтишларича, баъзи-баъзида пул жўнатиб турар эмиш. Лекин дадамни бир кўрсан дейман, ўзларига айтадиган гапларим кўп...”

Бу сўзлар менинги икки юзимга тортилган икки тасакидай туюлди. Саидмухаммаднинг “тарсакиси”дан ҳали-ҳануз ўзимга кела олганимча йўқ. Нега дейсизми, чунки менинги биринчи иш жойим — энергетика тизими ахир! Унинг дадаси даволаниб турган пайтдаги чироқнинг ўчишига мен билан ишлаб турган соҳа вакиллари, электр энергияси тақсимотчиларининг ишидаги ноқуслиқлар сабаб эмасмикан?! Келиб-келиб, ҳол талашиб турган беворлар томонга тортилган симлар ҳам қувватдан узиладими?! Бундай пайтда бор эътибор айнан шу “жаноби симлар”га қаратилиши керак эмасми, аслида?!

Ҳа, барча кўруликларда ҳаммамизнинг айбимиз бор. Миттигина қиз — Муслима-нинг ота меҳридан мосуволиги ҳам, кичик Саидмухаммаднинг катта йўқотиши ҳам шу ҳалқ, шу миллат вақили, жамият аъзоси сифатида барчамизнинг юрагимизда оғриқ уфотиши керак. Мана шу оғриқлар бизни “даволаса”, не ажаб?!

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

Ўзбекистон қадимдан илм-маърифат диёри, цивилизациялар кесишган чорраҳа, тараққиёт ўчоғи бўлиб келган. Мен, “Ҳидоят имоми Абу Мансур Мотуридийнинг хаёт йўли” китоби муаллифи сифатида айтишим мумкинки, аниқ тарихий ва илмий фактлар Ўзбекистон диёри тарихан юксак илмий салоҳиятга эга бўлганини кўрсатади.

ҲИДОЯТ ИМОМИ
АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ

Ахмад ДАМАНХУРИ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази
бош илмий ходими, Миср Араб Республикасининг
ал-Азхар университети доктори

ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридий таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун келган эдим.

Бу ерда давлат томонидан илмий-маърифий соҳага берилган эътиборни кўриб ҳайрат-саналган. Бухоро васфиди бухоролик машҳур олимлардан бири, “Ятимат-уд дахр” китоби муаллифи Абу Мансур Саолабий қуйидагиларни ёзди: “У улғунорлик юрти, салтанат қилбаси, замон улғунлари йилгилган макон, ер ахли адилбарон йулдузларининг чигар жойи ва замон фозиллари тўпланган ердир”. Шунинг учун ҳам Бухордан кўра, аҳолиси илм аҳлига эҳтиромлироқ бирор шаҳар кўрилмаган. Сомониёлар даврида Бухоро шаҳридаги илмий юксалиш кўплаб илмий муассасалар фаолиятида намоён бўлган. Олимлар мунозара учун илмий муассасаларда тўпловишар, бундай машваратлар баъзи ҳолларда амирнинг қароргоҳида ҳам ўтказиларди. Ривоят қилинишича, амир Исмоил ибн Аҳмад олимларни ўзига яқин тутар, мунозараларини диққат билан тинлар эди.

Самарқанд шаҳри ҳам улкан илмий тараққиётнинг гувоҳи бўлган кўхна заминдир. Самарқандда юксалган илмлар ва бу заминдан етишиб чиққан Абу Мансур Мотуридий, Ломийий Самарқандий, Алоуддин Самарқандий, Алоуддин Усмандий Самарқандий, Бадруддин Самарқандий, Саъдиддин Тафтазоний, Мирзо Улуғбек, Али Қўшчи сингари дунёга машҳур алломалар Самарқандни ҳам Бухоро каби толиби илмлар учун қилбага айлантиригандан далолат қилади.

Мовароуннахр минтақаси ислом умматининг кўзга кўринган қўллаб уламолирини етиштирди. Уларнинг турли фанлар бўйича ёзган асарлари бу диёрдаги улкан илмий муҳитнинг самараси эди. Хусусан, олти ишончли ҳадис тўплами ичидан учтасининг соҳиблари Мовароуннахрдан тугилгани ва шу ерда яшаб ижод қилгани фикримизнинг яққол исботидир.

Хозирги кунда ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ана шундай улғун маконни сақлаб қолишга, юксак тараққиёт чўққисини қайта забт этишга интилмоқда. Мен биричи бор Ўзбекистонга 2020 йилнинг март

зғу гоёларини тарғиб қиладиган ана шундай илмий марказга катта эҳтиж сезмоқда. Ўзбекистон бу соҳада тажрибага эга. Чунки Ўзбекистон қадимдан илм-маърифат маркази бўлган, ишончли қўллаб-қувватлаш ҳам ана шу юксак макомни сақлаб қолади.

Биз Имом Мотуридий таълимотини кейинги авлодларга соф ҳолда етказишимиз зарур. Мотуридийлик ақида ва қалом илми борасида дунёда энг қучли мактаблардан бири бўлган. Бу мактабнинг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Хусусан, мотуридийлик таълимоти ислом тарихидаги забардаст олим Абу Ҳанифадан ўтиб келаётган улкан мерос ҳисобланади. Ҳозир мотуридийлик мактаби илмий меросини тиклаш вақти келди. Чунки бу мактаб таълимотидан узоқлашиш натижасида турли гаразли кучлар ва экстремистик оқимлар фаолияти кучая бошлади. Дунё миқёсида диний ихтилофлар муркаблашиб, мутаассиб оқимлар фаолияти тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай мафқуравий кураш жараёнида ёшларни исломнинг анъанавий таълимотига зид бўлган ёт гоёлардан ҳимоя қилиш, хусусан, илгари суриладиган нотўғри ақида ва тушуночаларни мотуридийлик таълимоти асосида тўзатиш долзарб аҳамиятга эга. Имом Мотуридийнинг “Китоб ат-таъвхид”, “Таъвилот аҳл ас-сунна” асарларини таржима қилиш, ўрганиш ва ёшларга етказиш орқали уларни турли гаразли кучларнинг ёт гоёлари хуружидан сақлаб қолиш мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё мусулмонларининг тахминан 40 фоизи ушбу таълимоти вакиллари саналади. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Мотуридийнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг миқёсда тарғиб қилишда ниҳоятда катта имкониятга эга. Қолаверса, Ўзбекистон ҳукумати мазкур халқаро марказ фаолияти учун барча имкониятларни яратиб берган. Менинг истагим — дунёдаги барча мусулмон уммати фикр, ақида ва тасаввуф илмларини Ўзбекистондаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти орқали ўрганишлари керак. Бу менин оғизим, ушбу орзум амалга ошишини истайман ва бунга ишонаман.

Бу марказ нафақат Ўзбекистонда, балки бутун ислом оламида улкан илмий тараққиёт пойдевори сифатида хизмат қиладиган даргоҳ бўлиб қолишига тилақдошман.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-80 Эълоллар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўләмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинги етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинги полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” М-Ж масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1729. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” М-Ж босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мухасшир: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:15 Топширилди — 22:15